



Истеъмол кайфияти шарҳи

2025 йил
февраль

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Истеъмом кайфияти

2025 йилнинг январь ойида ўтказилган истеъмом кайфиятини ўрганиш бўйича сўровларда 2 700 га яқин аҳоли қатнашди.

Сўров натижаларига кўра, 2024 йилнинг IV чорагида аҳолининг истеъмом кайфиятида ижобий томонга ўзгариш кузатилди. Хусусан, респондентларнинг келгусидаги даромадлари ошиши бўйича кутилмалари биров яхшиланган. Бу, ўз навбатида, аҳолининг иқтисодий фаолликка бўлган ишончи юқори даражада сақланиб қолаётганини англатади.

Бундан ташқари, аҳолининг келгусидаги харажатлари юзасидан эҳтиёткорона ёндашуви давом этиб, истеъмом қилиш бўйича кутилмалари биров пасайган ва жамғаришга бўлган мойиллиги ошган. Ушбу ҳолат, респондентларнинг молиявий барқарорликни таъминлашга бўлган ҳаракати билан изоҳланиши мумкин.

Кредитга бўлган талаб аввалги чоракка нисбатан биров ошган. Бу эса, аҳолининг харажатларни қисқартириш тенденциясига қарамасдан, узоқ муддатли режаларга асосланган молиявий қарорлар қабул қилишга интилаётганини кўрсатади.


Умуман олганда, мазкур даврда аҳолининг истеъмом кайфиятида эҳтиёткорона ёндашув асосий омил бўлиб қолмоқда. Даромаднинг ошиши бўйича кутилмаларнинг ўсиши жамғаришга бўлган мойилликнинг ортиши билан уйғунлашган бўлса, кредитга бўлган талабнинг биров ўсиши келажакдаги молиявий режаларнинг фаол шаклланаётганини англатади.

Даромад субиндекси


Аҳоли даромадлари ошиши бўйича ижобий тенденциялар сақланиб қолмоқда.

2024 йил IV чорақда даромад субиндекси ўсувчи динамика қайд этди. Хусусан, аввалги чорақка нисбатан 0,4 бандга яхшиланиб, йил охирида 71,1 бандга тенг бўлди. (1-2-расмлар).

1-расм. Даромад субиндекси (банд)



2-расм. Даромад субиндекси ўзгариши (ўтган чорақка нисбатан, фоиз банд)




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Ҳукумат томонидан иқтисодий ўсиш ва бандликни қўллаб-қувватлашга қаратилган чоралар, меҳнат бозорида янги иш ўринларининг яратилиши ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг яхшиланиши бу борада аҳоли даромадларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда (3-расм).


Келгусида даромадлар ошишини кутаётганлар улуши 2,3 фоиз бандга ошиб, 66,4 фоизни ташкил этган бўлса, даромадлари камайишини таъкидлаганлар улуши 0,3 фоиз бандга қисқариб, 10,2 фоиз доирасида шаклланди. Даромадлари ўзгармаслигини қайд этганлар улуши 2 фоиз бандга камайиб, умумий респондентларнинг 23,2 фоизига тенг бўлди (3-расм).

Шу билан бирга, даромадлари кўпайишини кутаётганлар улуши 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 6,2 фоиз бандга камроқ бўлди.

3-расм. Даромадлари ўзгариши кутилмалари бўйича жавоблар тақсимоти (улуши, фоизда)



4-расм. Даромадлар кесимида жавоблар тақсимоти (улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

2024 йил III чорагига нисбатан солиштирганда, 7-10 млн сўм даромад олувчилардан ташқари деярли барча даромад гуруҳлари келгусида даромадлари ошишини кўпроқ кутмоқдалар.

Умуман олганда, даромадлар бўйича ижобий кутилмаларнинг сақланиб қолиши истеъмол талабини қўллаб-қувватлаб, харид қилиш қобилиятини кучайтиради.


Ўз навбатида, барқарор талабнинг шаклланиши инвестицион муҳит ва меҳнат бозорига ижобий таъсир кўрсатади.

Респондентларнинг 68 фоизи (2024 йил III чорақда 67 фоиз) расмий иш ҳақидан даромад олишини таъкидлаган. Стипендия, нафақа, дивиденд ва депозит орқали даромад олувчиларнинг улуши ортган бўлса, тадбиркорлик ва томорқа фаолиятидан даромад толувчилар улуши биров камайган (5-расм).

Сўров натижаларига кўра, кафе-ресторан, савдо, ишлаб чиқариш, фан-таълим ва ташиш хизматлари соҳасида фаолият юритувчиларда келгуси даромадлари ошиши бўйича оптимистик кутилмалар юқорироқ шаклланимоқда.

Ахборот технологиялари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари даромадлари камроқ ошиши бўйича кутилмаларини билдирганлар (6-расм).

5-расм. Респондентларнинг даромад манбалари (улуши, фоизда)



6-расм. Фаолият соҳалари кесимида даромадлари ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)

Соҳалар	кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	камаяди
кафе-ресторан	78	18	4
савдо	75	13	12
ишлаб чиқариш	73	18	9
фан-таълим	73	20	7
ташиш хизмати	71	26	3
қишлоқ хўжалиги	69	24	8
банк ва молия	66	25	9
қурилиш	64	23	13
туризм	63	25	13
бошқа	62	26	12
коммунал хизмат	62	32	6
маиший хизмат	62	22	16
тиббиёт	62	24	14
давлат бошқаруви	61	27	12
АТ ва ОАВ	56	18	27


Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

Харажат субиндекси


Респондентлар харажатлари бўйича кутилмалари деярли ўзгаришсиз сақланиб қолди. Мазкур даврда харажат субиндекси 0,1 бандга камайдди ва 77,4 бандни ташкил этди. 2023 йилнинг мос даврига нисбатан эса ушбу кўрсаткич 3,4 бандга камайдди.

Келгуси тежамкорликка бўлган мойилликнинг аста-секин ошиши, бу кўпроқ аҳоли ўз харажатларини оптималлаштириш орқали даромадларини сақлашга интилаётганликлари билан изоҳланиши мумкин.

7-расм. Харажат субиндекси (банд)



8-расм. Харажат субиндекси ўзгариши (ўтган чоракка нисбатан, фоиз бандда)



Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

9-расм. Даромадлар кесимида харажатлар бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)

Келгуси харажатлар	уй-жой таъмири	таълим	автомобиль	бошқалар	тўй	давола-ниш	уй-жой хариди	харид қилмай-миз	саёҳат	маиший техника	оилавий байрам	мебел-лар	электрон қурилма
3 млн.сўмгача	22	23	8	14	8	15	9	16	6	9	6	6	3
3 - 5 млн.сўм	22	21	12	15	12	12	9	15	7	7	10	5	3
5 - 7 млн.сўм	24	20	13	16	14	11	9	12	9	8	8	7	4
7 - 10 млн.сўм	24	18	16	14	12	11	10	14	8	6	9	7	5
10 - 15 млн.сўм	25	21	18	18	11	14	13	9	13	11	7	8	3
15 - 20 млн.сўм	29	27	27	17	14	12	19	10	17	16	10	9	7
20 млн.сўмдан юқори	24	22	28	19	21	15	20	9	21	13	9	11	8

Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

Респондентларнинг 77 фоизи келгуси 12 ойда харажатлари кўпайишини билдирган. 2024 йилнинг III чорагида ушбу кўрсаткич 76,2 фоизга ва 2023 йилнинг мос даврида 81,2 фоизга тенг бўлган. Мазкур ҳолат истеъмолчиларнинг келгусидаги харажатлари ошиши бўйича кутилмалари барқарор шаклланаётганини кўрсатади.

Келгусида харажатларининг ўзгармаслигини таъкидлаганлар улуши 2,1 фоиз бандга камайиб, 15,2 фоизни, харажатларнинг қисқаришини кутаётганлар улуши кўпайиб, 7,8 фоизни ташкил этган (9-расм).

Барча даромад гуруҳлари кутилмаларида харажатлар, асосан, уй-жой, таълим ва автомобиль билан боғлиқ.

Ёш гуруҳлари бўйича асосий харажатлар таркибида ёшлар (30 ёшгача) асосан, таълим, уй-жой таъмири, маиший техника ва электрон қурилмаларга кўпроқ маблағ сарфлашмоқда. Ўрта ёшдаги респондентлар эса (30-50 ёш) яшаш шароитларини яхшилашга эътибор қаратмоқда. Уларнинг харажатлари, асосан, уй-жой таъмири, автомобиль хариди, тўй ва оилавий байрамларга йўналтирилган. Шунингдек, болалар таълими ва соғлиқни сақлаш харажатлари ҳам ушбу гуруҳ учун муҳим ўрин тутмоқда.

Катта ёшдагилар (50 ёшдан баланд) учун йирик харидлар ҳиссаси камайиб, даволаниш харажатлари ортиб бормоқда. Шу билан бирга, ушбу гуруҳда харидларни амалга оширмаганлар улуши кўпроқни ташкил этиб, харажатларни бошқа гуруҳ респондентларга нисбатан тезроқ мақбуллаштириб бораётганликларини кўрсатмоқда (10-расм).

10-расм. Ёш кесимида харажатлар таркиби (улуши, фоизда)

Ёш чегараси	таълим	уй-жой таъмири	давола-ниш	оилавий байрам	бошқалар	харид қилмадик	автомо-биль	тўй	маиший техника	саёҳат	мебеллар хариди	уй-жой хариди	электрон қурилма
18 дан кичик	29	22	9	7	7	4	6	7	10	3	3	4	9
18-30	32	19	17	18	18	9	12	10	10	4	6	5	5
31-40	20	22	21	17	19	15	12	5	9	4	5	6	5
41-50	26	24	20	15	16	13	10	8	8	6	6	5	3
51-60	23	31	19	21	19	10	10	14	11	5	9	6	3
60+	17	23	23	23	10	20	7	10	3	13	7	7	0


Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

2024 йил III чорақка нисбатан, асосан, юқори даромадлилар, хусусан, 7-10 млн. сўм ва 15-20 млн. сўм ва ундан юқори даромадга эга респондентлар келгусида харажатлари кўпайиши мумкинлигини таъкидлаган бўлса, 5-7 млн. сўм даромад олувчиларда харажатларни амалга ошириш бўйича кўпроқ эҳтиёткор ёндашувни сақлаб қолмоқда (12-расм).


Сўров натижаларига кўра, аҳоли ўтган чорақда таълим, уй-жой таъмири, даволаниш ва оилавий байрамлар билан боғлиқ харажатлар учун кўпроқ маблағ сарфлаганини билдирган.

Шу билан бирга, келгуси чорақда уй-жой таъмирлаш, таълим, соғлиқни сақлаш билан биргалиқда автомобиль хариди, тўй маросимлари ва уй-жой сотиб олиш каби асосий йирик харажатларни режалаштирмоқда.

11-расм. Келгуси харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)




12-расм. Даромадлар кесимида харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

13-расм. Йирик харидлар/харажатлар ўзгариши (улуши, фоизда)



Ўтган даврда амалга оширилган йирик харидлар/харажатлар Келгуси ойларда йирик харидлар/харажатлар бўйича кутилмалар

Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.


Бу ушбу товар ва хизматларга бўлган талаб келгусида ҳам сақланиб қолишини кўрсатмоқда (13-расм).

Кредит субиндекси

Кредит субиндекси ўтган чоракга нисбатан биров ошган бўлса-да, йил давомида аста-секин пасаймоқда. Сўров натижаларига кўра, 2024 йил IV чоракда кредит субиндекси III чоракка нисбатан 0,2 бандга ошиб, 65,8 бандга тенг бўлди. 2023 йилнинг мос даврига нисбатан эса 5,7 бандга пастроқ шаклланди.

Келгуси 12 ойда кредит қарздорлиги миқдорини оширишни режалаштираётган респондентлар улуши биров ўсиб, 57 фоизга тенг бўлди.

14-расм. Кредит субиндекси (банд)




15-расм. Кредит субиндекси ўзгариши (ўтган чоракка нисбатан, фоиз бандда)




Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

16-расм. Келгусидаги кредитга бўлган талаб ўзгариши бўйича кутилмалар тақсимоти (улуши, фоизда)



17-расм. Даромадлар даражаси кесимида кредитга бўлган талаб (улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Кредитга бўлган талаб камайишини кутганлар улуши 13,8 фоизга кўтарилди, аксинча, ўзгармаслигини тахмин қилганлар улуши 29,2 фоизгача қисқарди. Бу аҳолининг молиявий режаларида маълум даражада фарқли қарашлар шаклланаётганини кўрсатади (16-расм).

Келгусида кредит олишни режалаштирганлар улуши 2024 йил III чоракка нисбатан 3-5 млн сўм, 10-15 млн сўм ва 20 млн сўмдан юқори даромадлилар гуруҳида ошган (17-расм).

Респондентларнинг келгуси харажатлари ва кредитга талаби турлича шаклланмоқда. Харажатлар ошади деб ҳисоблаганлар асосан, уй-жой таъмири, таълим ва автомобиль харидларига катта эътибор қаратишмоқда.

Харажатлар ўзгармайди, деб ҳисоблаганлар ҳам уй-жой таъмири, таълим ва даволаниш харажатларини устувор деб баҳолашмоқда.

18-расм. Келгусида кредитга ва харидларга бўлган талабнинг шаклланиши (улуши, фоизда)

	уй-жой таъмири	таълим	бошқалар	харид қилмаймиз	автомобиль	даволаниш	тўй	уй-жой хариди	саёҳат	маиший техника	оилавий байрам	мебеллар	электрон қурилма
ошади	25	21	14	11	17	13	14	13	9	10	9	7	4
ўзгаришсиз қолади	23	22	16	13	12	14	13	8	9	6	9	6	4
камаяди	25	16	19	10	9	13	11	11	8	10	8	6	6
кредитга эҳтиёж йуқ	21	22	17	18	13	11	9	9	10	8	6	7	2

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.


Умуман олганда, таълим ва уй-жой таъмири барқарор харажатлар қаторида қолмоқда (18-расм).

Жамғариш субиндекси


Жамғариш кайфиятида ижобий динамика кузатилмоқда.

2024 йилнинг IV чорагида жамғариш кайфияти субиндекси ўтган чоракка нисбатан 0,2 бандга кўтарилиб, 68,1 бандни ташкил этди.

19-расм. Жамғариш субиндекси (банд)



20-расм. Жамғариш субиндекси ўзгариши (ўтган чоракка нисбатан, фоиз бандда)




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Шу билан бирга, жамғармаларининг ошишини кутаётган респондентлар улуши 1,2 фоиз бандга ошиб, 62,3 фоизга етгани жамғаришга бўлган қизиқиш ортиб бораётганини кўрсатиши мумкин.


Бунда жамғармаларининг ўзгармаслигини кутаётганлар улуши ўтган чоракка нисбатан 1,4 фоиз бандга камайиб, 23,9 фоизни ташкил этган бўлса, жамғармалари камайишини кутаётганлар улуши 0,2 фоиз бандга кўпайиб, 13,8 фоизни ташкил қилди (21-расм).

Респондентлар орасида келгусидаги жамғармаларининг етарлилик даражасида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Жумладан, жамғармалари 6 ойдан ортиқ муддатга етади деб баҳолаганларнинг улуши бироз ошган, шу билан бирга, жамғармалари 1 ой ёки 1-3 ойга етади деб ҳисоблаганларнинг улуши бироз камайган. Шунингдек, жамғармаси йўқлигини билдирганларнинг улуши сўнги чоракда кичик даражада ошган.

21-расм. Респондентларнинг жамғармалари ўзгариши бўйича кутилмалари (улуши, фоизда)



22-расм. Жамғарманинг етарлилик даражаси бўйича кутилмалари (улуши, фоизда)




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.


Сўров натижаларига кўра, 2024 йил IV чоракда респондентларнинг аксарияти молиявий ҳолатларида бироз ўзгаришлар кузатилганини таъкидлашди. Аввалги чоракка нисбатан молиявий аҳволи ёмонлашган деб ҳисоблаган респондентлар улуши бироз ошган бўлса, молиявий ҳолатини ижобий деб таъкидлаганлар улуши деярли III чорак даражасида сақланиб қолди (23-расм).

2024 йилда аҳолининг банк депозитлари ҳажми сезиларли даражада ошди. Хусусан, аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлар ҳажми ўсиши 63,4 фоизни ташкил этди (24-расм).

23-расм. Респондентларнинг молиявий ҳолати ўзгариши (улуши, фоизда)



24-расм. Аҳоли муддатли депозитлари қолдиғи ўсиши (трлн. сўм, йиллик фоизда)



Манба: Марказий банк маълумотлари ва кузатувлари асосида.

Иқтисодиёт бўйича кутилмалар


Респондентлар иқтисодиёт ривожланиши бўйича кутилмаларида келажакка бўлган оптимистик қарашлари ва иқтисодий барқарорликка бўлган ишончини билдирган.

Хусусан, келгуси 12 ойда 58 фоиз респондентлар мамлакатда иқтисодий ҳолатнинг яхшиланишини кутмоқда.


Шу билан бирга, ижобий ўзгаришларнинг жорий даражада давом этишини ва иқтисодий барқарорликнинг сақланишини кутганлар 26 фоизни ташкил этди (25-расм).

Ўрта муддатли иқтисодий кутилмалар ҳам яхшироқ шаклланди. Сўров иштирокчиларининг аксарияти (66 фоиз) келгуси 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишини, 11 фоизи эса истиқболга нисбатан бироз хавотирларини билдирган. Бу, аҳолининг узок муддатли иқтисодий ишончида ижобий тенденциялар сақланиб қолинганини, шу билан бирга, баъзи иқтисодий хатарларга боғлиқ хавотирлари мавжудлигини кўрсатади (26-расм).

25-расм. Келгуси 12 ой учун мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)



26-расм. Келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

Истеъмом кайфияти индекси

Марказий банк томонидан аҳолининг кенг соҳа вакилларини камраб олган ҳолда ўтказиладиган сўровлар натижалари асосида бериб бориладиган **истеъмом кайфияти индекси¹ (ИКИ)** ни ҳисоблашда сўров иштирокчиларининг келгусидаги **даромадлари, харажатлари, кредитлари ва жамғармалари ўзгариши** бўйича танланган жавоб вариантлари сонидан келиб чиқиб шакллантирилади.

Бунда респондентлар томонидан белгиланган жавоблар вариантлари қуйидаги вазнлар орқали умумлаштирилади ва нормаллаштирилади:

сезиларли даражада кўпайиш/ошиш (ижобий) – 100;

бироз кўпайиш/ошиш (ижобий) – 75;

нейтрал жавоб (ўзгаришсиз) – 50;

бироз камайиш (бироз салбий) – 25;

сезиларли даражада камайиш (салбий) – 0.

Агар ҳисобланган субиндекс кўрсаткичи 50 бандга тенг бўлса, сўров иштирокчилари ўрганилаётган кутилмалари ўзгармаганини кўрсатади. Агар 50 банддан юқори бўлса, кутилмалар ошаётганини билдиради. Агар субиндекс кўрсаткичи 50 банддан паст бўлса, кутилмалар пасайганини билдиради.

Шунингдек, субиндекс 100 бандга тенг бўлиши барча респондентлар юқори ошишини кутаётганини аниқлатса, 0 бандга тенг бўлиши барча сезиларли камайишини билдирганини аниқлатади.

¹ Индекс кўрсаткичи 0 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари истеъмом кайфиятидаги ижобийликни ифодалайди.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2025 йил

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.

Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:

E-mail: sinogamov@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-22